

**Тошкент шаҳридаги Аджу университети ҳудудида жойлашган инкубация  
марказини ташкил этиш доирасидаги ҳамкорлик тўғрисида  
КЕЛИШУВ**

Тошкент ш.

2023 йил “2” май

Кейинги ўринларда “ИТ-Парк” деб юритилувчи “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ, номидан 2023 йил 1 февралдаги 33-03-1/100-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи директорнинг биринчи ўринбосари **Кучкаров А.М.** бир томонидан, ва кейинги ўринларда **Университет** деб юритилувчи **Тошкент шаҳридаги Аджу университети** номидан Низом асосида фаолият юритувчи ректор **Муратов Г.А.** ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. КЕЛИШУВНИНГ МАВЗУСИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 4-банди, “Стартап-лойиҳалари экосистемасини таълим муассасалари тизимида жорий қилиш ва ривожлантириш” ижроси юзасидан вазифалар доирасида ўзаро ёрдам бериш мақсадида ҳамда ИТ-Парк ва Университет ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумга қўшимча равишда **Тошкент шаҳридаги Аджу университетида** қўшма инкубация маркази фаолиятини биргаликда ташкил этишга келишиб олдилар.

1.2. Ушбу Келишувга мувофиқ Томонлар инновацион фаолият соҳасида қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиладилар:

- технологик ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;
- илмий-технологик билимларни тарқатиш;
- иқтидорли ёшларни илмий-техник соҳага жалб қилиш;
- истиқболли тадқиқот ва ишланмалари инфратузилмасини ривожлантириш;
- ҳамкорлик устувор йўналишларининг экспертлар жамоалари қўшма тармоғини ривожлантириш.

### 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. ИТ-Парк қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

- инкубация маркази фаолиятини ташкил этишга қўмаклашиш;
- инкубация марказининг координацион фаолиятида қатнашиш;

